

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБОНОВ ХУРШЕД РАХМАТУЛЛОЕВИЧ

**АНГИОГЕНЕЗНИНГ ГЕН ИНДУКЦИЯСИ ШАРОИТИДА СУЯК
ТЎҚИМАСИНИНГ РЕПАРАТИВ РЕГЕНЕРАЦИЯСИ
ХУСУСИЯТЛАРИ (ГЕЛ ТАШУВЧИ МАТЕРИАЛДА)**

14.00.02 – Морфология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Курбонов Хуршед Рахматуллоевич

Ангиогенезнинг ген индукцияси шароитида суяк
тўқимасининг репаратив регенерацияси хусусиятлари
(гел ташувчи материалда).....5

Курбонов Хуршед Рахматуллоевич

Особенности репаративной регенерации костной
ткани в условиях генной индукции ангиогенеза
(в гелевом материале-носителе)..... 19

Kurbonov Khurshed Rakhmatulloevich

Peculiarities of Reparative Regeneration of Bone Tissue
under Conditions of Gene Induction of Fngiogenesis
(In Gel Carrier Material).....35

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lists of published works.....40

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

КУРБОНОВ ХУРШЕД РАХМАТУЛЛОЕВИЧ

**ОСОБЕННОСТИ РЕПАРАТИВНОЙ РЕГЕНЕРАЦИИ КОСТНОЙ
ТКАНИ В УСЛОВИЯХ ГЕННОЙ ИНДУКЦИИ АНГИОГЕНЕЗА (В
ГЕЛЕВОМ МАТЕРИАЛЕ-НОСИТЕЛЕ)**

14.00.02 – Морфология

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации

доктора философии (PhD) по медицинским наукам

Бухара – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib2630 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Орипов Фирдавс Суръатович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Деев Роман Вадимович

тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Расулов Хамидулла Абдуллаевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Қурбанов Обид Махсудович

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Аҳмад Ясавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университети
(Қозоғистон)

Диссертация ҳимояси Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: info@bsmi.uz).

Диссертация билан Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: info@bsmi.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ж. Тешаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Н.Қ. Дўстова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, тиббиёт фанлари
доктори (DSc)

А.Р. Облоқулов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фаласафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида замонавий тиббиёт ва биомедицина фанлари суяк тўқимасини қайта тиклаш усуллари такомиллаштириш устида фаол иш олиб бормоқда, бу эса синиқлар, жароҳатлар ва бошқа патологияларни даволаш учун муҳимдир. Бу йўналишларнинг прогрессив ривожланишига қарамай, анъанавий усуллар ҳамма ҳам самарали бўлмайди ва бу соҳаларда янги ёндашувларни талаб этади. Бош ва қўл-оёқлар суякларининг синишлари ёш, жинс ва минтақаларга қараб сезиларли фарқланади. Ривожланмаган мамлакатларда бош суяклари синишларининг асосий сабабларидан бири йўл-транспорт ҳодисалари ҳисобланади. Шу билан бирга қўл-оёқ суяклари синишлари эса ўрта ёшли эркекларда жароҳатлар туфайли ва ёши катта аёлларда эса остеопороз билан боғлиқ ҳолда кўпроқ учрайди. 95 ёшдан катта кишилар айниқса юқори касалланиш кўрсаткичларига эга бўлиб, бу бутун дунёда профилактика чораларини кучайтириш зарурлигини кўрсатади.¹

Жаҳонда тўқима инженерияси ва йўналтирилган остеорегенерация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бир шароитда, ген индукцияси асосидаги ангиогенез ва гел таркибли материал-ташувчиларда суяк тўқимасининг репаратив регенерацияси хусусиятларини ўрганиш долзарб бўлиб қолмоқда. Ангиогенезнинг ген индукцияси суяк шаклланиши ва қон томирлар тармоғини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, даволаниш муддатини қисқартиради ва тўлиқ тикланишга ёрдам беради. Натижалар шуни кўрсатадики, ташувчи вазифага эга гидрогеллар ёрдамида ген терапиясидан фойдаланиш мураккаб суяк дефектларини тиклаш самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин. Бундай тадқиқотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат ташаббуслари янги даволаш усуллари ишлаб чиқишни рағбатлантириб, аҳоли саломатлигини яхшилашга ҳисса қўшади. Бу сабъ-ҳаракатлар натижасида жароҳатлар ва жарроҳлик аралашувларидан кейин тикланиш муддатлари қисқариб, беморларнинг ҳаёт сифати сезиларли даражада яхшиланади ва мамлакатда тиббиётнинг умумий ривожланишига ёрдам беради.

Мамлакатимизда суяк тўқималари касалликлари ва жароҳатларни даволаш ва профилактикасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»² вазифалари белгиланган. Шунга асосан, суяк тўқималарининг жароҳатлар ва жарроҳлик аралашувларидан сўнг тикланиши

¹ Wu A. M. et al. Global, regional, and national burden of bone fractures in 204 countries and territories, 1990–2019: a systematic analysis from the Global Burden of Disease Study 2019 //The Lancet Healthy Longevity. – 2021. – Т. 2. – №. 9. – С. e580-e592.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

суяк регенерациясига бўлган ёндашувларни такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ва 2020-йил 12-ноябридаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонларига ва 2020-йил 12-ноябридаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорига ва мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади. Ушбу ҳужжатлар доирасида белгиланган вазифаларни бажариш учун тадқиқот амалга оширилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация иши республика фанлари ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларидан бири VI. «Тиббиёт ва фармакология» га мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Регенератив тиббиётда хужайралар ва молекулаларни етказиб бериш учун турли хил скаффолдар ва материаллар мавжуд. Улар металл, суяк матрицаси, кальций фосфат, биоактив шиша, табиий ва синтетик полимер, кремний ва углерод материалларидан тайёрланган микро- ва наносфералар, нано- ва микротолали матрицалар, шунингдек, уч ўлчамли тузилмаларни ўз ичига олиши мумкин (Tajvar S. et al. 2023).

Скаффолдлар ҳам ғовакланиш ўлчамларига кўра макро-, субмикро-, микро- ва наноғовакли қилиб таснифланиши мумкин. Таснифлашда бир қатор келишмовчиликлар мавжуд, аммо одатда улар макроғовакли (100 мкм дан катта), микроғовакли (1-100 мкм), субмикроғовакли (0,1-1 мкм) ва наноғовакли (100 нм дан кичик) га бўлинади (Prakoso A. T. et al. 2023). Баъзи материаллар атроф-муҳитдаги ўзгаришларга, масалан, ҳарорат, эритмадаги ион кучи ва бошқа омилларга жавоб бера оладиган «ақлли» хусусиятларга эга (Pfaу M. R., 2021).

Бир нечта скаффолдлар яратиш усуллари мавжуд бўлиб, улардан замонавий аддитив технологияларни мисол келтириш мумкин. Шунга қарамай, скаффолд материалларига биологик фаол моддаларнинг юкланиши уларнинг тайёрланиш босқичида кимёвий эритувчилар ва биомолекулаларга таъсир қилувчи юқори ҳароратлар билан чекланиши мумкин (Юрова К. А., 2022). Замонавий тиббиётда, регенератив тиббиёт асосий истиқболли йўналишга айлангани билан, суяк тўқимаси регенерацияси масалалари устувор бўлиб қолмоқда. Суяк тўқимасининг яхлитлигини бузадиган жароҳатлар, нуқсонлар ва касалликларни даволашнинг самарали усулларини излаш, айниқса, қон томирлари эндотелиал ўсиш омили билан боғлиқ бўлган ген индукцияси ангиогенезига оид тадқиқотларда ўз аксини топади (Пресняков Е. В. и др. 2019). Ушбу соҳада истиқболли йўналишлардан бири

ген индукциясидан фойдаланиш орқали репаратив регенерацияни ўрганишдир, айниқса, қон томирлари эндотелиал ўсиш фактори (VEGF) га эътибор қаратиш керак, чунки у янги томирларнинг мавжудлардан шаклланишини тартибга солувчи асосий фактордир (Щаницын И. Н. и др. 2019). Сўнгги йилларда, молекуляр биология ва ген терапияси соҳасидаги муҳим тараққиётлар туфайли, ген индукциясидан фойдаланган ҳолда суяк тўқимасининг регенерациясини ўрганиш учун янги истиқболлар очилди. Ўзбекитсонда ген индукцияси мавзусига, айниқса, қон томирлари эндотелиал ўсиш фактори (VEGF) контекстида катта қизиқиш бўлишига қарамай (Аляви А. Л. и др. 2020; Халимова З., 2021; Дустова Н. и др. 2021), ушбу жараённинг ангиогенези ва суяк тўқимасининг регенерациясига таъсирини тўлиқ тушуниш ҳанузгача етарли эмас. Ген индукциясига асосланган самарали даволаш стратегияларини ривожлантириш янада илмий саъй-ҳаракатларни ва ген билан суяк тўқимасининг регенерация жараёнлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни аниқ тушунишни талаб қилади.

Ҳозиргача тўпланган маълумотларни тизимлаштириш ва таҳлил қилиш «остеогеник етишмовчилик» концепциясининг шаклланишига олиб келди, бу эса суяк жароҳатлари бўлган беморларни стандарт даволаш усулларининг ҳар доим ҳам самарали эмаслигини ва суяк пластикасининг натижалари кўпинча прогноз қилиниши қийин эканлигини тушунтиради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, 5436 №012400287 рақамли илмий лойиҳа доирасида бажарилган: «Жароҳатлар, жарроҳлик касалликлари ва ўсмаларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш учун замонавий технологияларни яратиш ва жорий этиш» (2024-2028 йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади турли гистогенезга эга суякларда маҳаллий проангиоген генотерапевтик препаратни гел ташувчи ёрдамида қўллаган ҳолда репаратив остеогенезни тавсифлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ОКФ (октакальций фосфат)ли гел ташувчиларда VEGF165 генини олиб юрувчи плазмид конструкциясини қўллаган ҳолда, бош суяк (ясси суяклар) тўқимасидаги репаратив остеогенезни баҳолаш;

VEGF165 генини ташувчи плазмид конструкциясининг қўлланилиши қон томирларининг шаклланишига ва остеогистогенез жараёнига таъсирини иммуногистокимёвий тадқиқот (CD31) усули ёрдамида асослаш;

ОКФ (октакальций фосфат)ли гел ташувчиларда VEGF165 генини олиб юрувчи плазмид конструкциясини қўллаган ҳолда, оёқ суякларидаги репаратив остеогенезни баҳолаш;

олинган морфометрик маълумотлар асосида репаратив остеогенезни индукциялаш учун маҳаллий проангиоген ген терапиядан энг самарали гел ташувчини аниқлаш.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот объекти сифатида 72 та етук ёшдаги (9-12 ой) қуёнлар танланди.

Тадқиқот предмети сифатида қуёнлар тепа ва сон суякларидан олинган гистологик кесмалар ташкил қилди.

Тадқиқот усуллари. Диссертация вазифаларини ҳал қилиш ва мақсадларга эришиш учун гистологик, иммуногистохимёвий, морфометрик ва статистик-аналитик тадқиқот усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор экспериментал-морфологик тадқиқотда морфометрик текширув ёрдамида уч турдаги ген-активирланган гидрогелларнинг репаратив остеогенезни фаоллаштиришдаги морфофункционал ўрни асосланган;

илк бор индукцияланган остеогенезнинг қиёсий таҳлили эктомезенхимал (бош тепа суяги) ва энтомезенхимал (қўл-оёқ суяклари) гистогенези бўлган суякларда амалга ошириш асосланган;

илк бор тажриба натижаларини қайта ишлаш мақсадида суяк тўқимаси регенеративнинг автоматлаштирилган морфометрия усули сунъий интеллект ёрдамида амалга ошириш асосланган;

илк бор тадқиқот натижасида VEGF, октакальций фосфат ва гидрогелдан иборат генетик конструкция ясси ҳамда найсимон суяклар тўқимаси регенерациясига ижобий таъсир кўрсатиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ген-фаоллаштирилган геллар, уларнинг гистогенетик келиб чиқишидан катъи назар, суякларнинг шикастланган жойларида регенерация жараёнининг динамикасига ва яқунига таъсир кўрсатиши аниқланди. Бош суяги регенерациясида энг юқори таъсирга эга бўлган гел генотерапевтик препарат қўшилган натрий альгинат асосидаги гидрогел бўлиб, бу жағ-юз соҳаси жароҳатларидан кейин суяк тўқималарининг тикланишига таъсир қилиш учун амалий фаолиятда қўлланиши мумкин. Узун найсимон суякларининг регенерациясида энг юқори таъсирга эга бўлган гел эса генотерапевтик препарат қўшилган коллаген асосидаги гидрогел бўлиб, бу травматология ва ортопедия йўналишларида жароҳатлардан кейин суяк тўқималарини тиклашда амалий фаолиятда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг рационал дизайни асосида таъминланган бўлиб, статистик жиҳатдан аҳамиятли натижаларни олиш учун етарли миқдордаги ҳайвонлардан фойдаланиш; замонавий гистологик ва иммуногистохимёвий тадқиқот усуллари қўлланилиши; барча рақамли маълумотларнинг замонавий компютер технологиялари ёрдамида қайта ишланиши; шунингдек, диссертация иши натижаларининг халқаро ва маҳаллий маълумотлар билан таққосланиши ва олинган маълумотларнинг тегишли органлар томонидан ратификацияси билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Бажарилган тадқиқот илмий аҳамиятга эга бўлиб, суяк тўқимасининг ген индукцияси ёрдамида ангиогенез шароитларида репаратив регенерация жараёнларини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради, бунда гидрогел материаллари ташувчи сифатида қўлланилди. Олинган натижалар гидрогел материалларининг суяк тўқималари билан ўзаро таъсир механизмларини ҳамда ўсиш омиллари, масалан, VEGF (қон томир эндотелиал ўсиш омили) ва

ОКФ (октакальций фосфат) каби стимуляторларнинг таъсирини кенгайтиради. Бу регенератив тиббиёт ва стоматология соҳаларида инновацион ёндашувлар яратиш учун илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унинг натижалари стоматологик жарроҳлик, ортопедия ва травматологияда суяк нуқсонларини даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш учун қўлланилиши мумкин. Генетик жиҳатдан индукцияланган ўсиш омиллари билан гидрогел материалларини қўллаш остеорегенерация жараёнларининг самарадорлигини ошириши, асоратлар хавфини камайтириши ва тикланиш муддатларини қисқартириши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг тадбиқ қилиниши. Экспериментал ҳайвонларнинг ясси ва найсимон суякларидаги морфофункционал ўзгаришларни ўрганишнинг морфологик ва иммуногистокимёвий усулларини қиёсий таҳлил қилиш натижасида олинган илмий маълумотларга асосланиб:

биринчи илмий янгилик: экспериментал-морфологик тадқиқотда морфометрик текширув ёрдамида уч турдаги ген-активирланган гидрогелларнинг репаратив остеогенезни фаоллаштиришдаги морфофункционал таҳлили ўтказилганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 29-майдаги 10 - сонли илмий кенгашнинг қарори билан тасдиқланган «Қалла ясси суяк тўқималари регенерациясини морфометрик баҳолашда сунъий интеллект технологиясидан фойдаланиш» услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Сурхондарё филиали (05.08.2024-й., №21Т-сонли буйруқ) ва Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали (21.06.2024 й., №58-И-сонли буйруқ) амалиётига тадбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги 7-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлик: Ген активирланган геллар ёрдамида суяк тўқимасини тиклашнинг самарали усулларида фойдаланиш суяк нуқсонларини тез ва самарали даволашга ёрдам берди. Бу беморларга қисқа вақт ичида нормал ҳаётга қайтишга ёрдам берди, бу эса ўз навбатида ногиронлик даражасини сезиларли даражада камайтирди ва ҳаёт сифатини яхшилади. Иқтисодий самарадорлик: репаратив остеогенезни индукция қилиш учун ген активирланган геллардан фойдаланиш беморларни даволаш ва реабилитация вақтини қисқартирди, бу эса касалхонада қолиш муддати, кейинги операциялар сони, реабилитация процедуралари каби тиббий хизматларнинг умумий нархининг пасайишига олиб келди. Бюджет маблағларини ҳар бир бемор учун 4606000 сўм миқдорда тежаш имкони бўлди.

иккинчи илмий янгилик: индукцияланган остеогистогенезнинг қиёсий таҳлили эктомезенхимал (бош тепа суяги) ва энтомезенхимал (қўл-оёқ суяклари) гистогенези бўлган суякларда амалга оширилганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 29-майдаги 10 - сонли илмий кенгашнинг қарори билан тасдиқланган «Қалла ясси суяк тўқималари регенерациясини морфометрик баҳолашда сунъий интеллект технологиясидан фойдаланиш» услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган.

Мазкур таклиф Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Сурхондарё филиали (05.08.2024-й., №21Т-сонли буйруқ) ва Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали (21.06.2024 й., №58-И-сонли буйруқ) амалиётига тадбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги 7-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлик: Эктomezенхимал ва энтомезенхимал гистогенез билан суяклардаги индукцияланган остеогистогенезнинг қиёсий таҳлили юқори ижтимоий самарадорликка эга. Тадқиқот натижалари турли хил келиб чиқиши бўлган суяклар регенерациясининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишга имкон беради, бу диагностика ва даволаш тактикаси аниқлигини оширади. Шу билан бирга даволаниш муддатини ва реабилитация даврини қисқартиришга ҳамда асоратлар хавфини камайтиришга ёрдам беради. Иқтисодий самарадорлик: даволаш усуллари оптималлаштириш, регенерация жараёнларини тезлаштириш ва беморларнинг вақтинчалик ишга лаёқатсизлик муддатини қисқартириш ҳисобига реабилитация харажатларини камайтиришга имкон берди. Бундан ташқари, асоратлар хавфини камайтириш натижасида қайта операциялар сонининг пасайиши харажатларни сезиларли даражада қисқартирди. Ушбу ёндашувни жорий этиш натижасида бир беморга 2 242 000 сўм тежалди ва эришилган иқтисодий самарадорликни тасдиқлади.

учинчи илмий янгилик: тажриба натижаларини қайта ишлаш мақсадида суяк тўқимаси регенеративнинг автоматлаштирилган морфометрия усули сунъий интеллектга асосланган ҳолда ўтказилганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 29-майдаги 10 - сонли илмий кенгашнинг қарори билан тасдиқланган «Қалла ясси суяк тўқималари регенерациясини морфометрик баҳолашда сунъий интеллект технологиясидан фойдаланиш» услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Сурхондарё филиали (05.08.2024-й., №21Т-сонли буйруқ) ва Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали (21.06.2024 й., №58-И-сонли буйруқ) амалиётига тадбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги 7-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлик: сунъий интеллект (СИ) технологияларини морфометрик баҳолашда қўллаш, суяк тўқимаси регенерациясига боғлиқ касалликларга аниқ ва тез диагноз қўйишга ёрдам беради, шу билан бирга инсон фаолиятига боғлиқ хатоликларни камайтиради. Бу эса ўз навбатида, тиббий ёрдам сифатини оширишга, даволаш вақти ва соғлиқни сақлаш харажатларини қисқартиришга ҳамда қайта операция амалиётларининг хавфини камайтиришга ёрдам беради. СИ ни қўллаш шифокорларга маълумотларни тез таҳлил қилишни тезлаштириб, асосланган қарорлар қабул қилишга ёрдам беради. Бу билан беморлар даволаш натижаларини яхшилашга ва уларнинг ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодий самарадорлик: стационарда бемор даволаниш муддатининг қисқариши ва қайта операция амалиётларининг камайиши ҳисобига бир бемор учун 1010000 сўм тежалди.

тўртинчи илмий янгилик: VEGF, октакальций фосфат ва гидрогелдан иборат генетик конструкция ясси ҳамда найсимон суяклар тўқимаси регенерациясига ижобий таъсир кўрсатиши бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 29-майдаги 10 - сонли илмий кенгашнинг қарори билан тасдиқланган «Калла ясси суяк тўқималари регенерациясини морфометрик баҳолашда сунъий интеллект технологиясидан фойдаланиш» услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Сурхондарё филиали (05.08.2024-й., №21Т-сонли буйруқ) ва Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали (21.06.2024 й., №58-И-сонли буйруқ) амалиётига тадбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги 7-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлик: генетик конструкциялар учун ташувчи гелдан фойдаланиш тўқималарнинг янгиланиш жараёнларини яхшилашга имкон беради, бу айниқса мураккаб жароҳатлар ва касалликларни даволашда муҳим аҳамиятга эга. Бу реабилитация даврини қисқартирадиган ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилайдиган тез ва самарали тикланиш жараёнини таъминлайди. Иқтисодий самарадорлик: генетик материалларни етказиб беришнинг яхшиланиши ва уларнинг тўқималарга самарали таъсири туфайли беморларни даволаш ва реабилитация қилиш вақти қисқаради, бу еса узоқ муддатли даволаниш ва стационар кузатув харажатларини камайтирди, натижада бир бемор учун 2020000 сўм миқдорда тежалди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижаларини муҳокама қилиш бўйича 3 та илмий конференцияда ўтказилган, жумладан, 2 та халқаро ва 1 та республика миқёсидаги конференцияларда.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.

Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.

Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯСИНING АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқ белгиланган. Шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети хусусида маълумотлар берилган, Ўзбекистон Республикасининг илм-фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, шунингдек, амалиётга тадбиқ қилиниши таърифланган. Иш натижаларининг апробацияси ва нашр қилиниши,

диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида, **«Репаратив остеогенез механизмлари ва уларга ижобий таъсир кўрсатиш усуллари ҳақидаги замонавий қарашлар»**, репаратив остеогенез механизмлари ва уларга ижобий таъсир кўрсатиш усуллари замонавий қарашлар асосида таҳлил қилинган. Унда эмбрионал ва репаратив остеогистогенезнинг умумий тушунчалари очиб берилган. Суяк пластикасининг мавжуд муаммолари таҳлил қилиниб, бу эса амалий тиббиёт учун долзарб ва аҳамиятли эканлиги таъкидланган. Айниқса, фаоллаштирилган суяк-пластик материалларга алоҳида эътибор қаратилиб, кейинги боблар учун назарий асос сифатида хизмат қилди.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»**да тадқиқот мақсадларига эришишни таъминлайдиган методология ва экспериментал ёндашувларнинг батафсил тавсифи келтирилган. Илмий иш доирасида VEGF-A165 новирусли ген трансфер технологияси ва октакальций фосфат асосида инновацион тиббий маҳсулотлар жорий этилган. Хусусан, суяк пластикасида қўлланиладиган «Гистографт» препарати октакальций фосфати (ОКФ) гранулаларидан иборат бўлиб, уларнинг юзасига VEGF-A165 (p1-VEGF) кодловчи плазмид ДНК қопланган.


Экспериментал тадқиқотлар лаборатория ҳайвонлари (куён)да ўтказилиб, яратилган материалларнинг регенератив салоҳиятини бош суяк (ясси суяклар) ва кўл-оёқларнинг эпифизлари (найсимон суяклар)да яратилган дефектлари тикланишинидаги ўзгаришлар орқали баҳоланди. Тадқиқотлар давомида тепа ва сон суякларида критик дефектлар алоҳида ҳайвон моделларида яратилди. Материални имплантация қилиш учун суяк дефектини ҳосил қилиш ва материални фиксация қилишни ўз ичига олувчи стандарт операция амалга оширилди. Тадқиқот давомида икки гуруҳдан иборат тажриба ўтказилди. А) калла суяги дефектида регенерацияни ўрганиш (тепа суягида дефект ҳосил қилиш); Б) оёқ суяклари эпифизида регенерацияни ўрганиш (сон суягида дефект ҳосил қилиш). Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун тадқиқотда VEGF, ОКФ ва уч турдаги гидрогел матрикслар қўлланилди: натрий альгинати, коллаген ҳамда гиалурон кислотаси асосидаги геллар (тажриба гуруҳи). ОКФ микрогранулалари гидрогеллар билан имплантациядан олдин бирлаштирилди (назорат гуруҳи), бу эса уларнинг дефект ҳудудида бир текис тақсимланишини таъминлади. Назорат гуруҳи аналог гидрогелларни ўз ичига олган бўлиб, улар таркибида плазмид ДНК мавжуд эмас эди.


Суякларнинг регенерация соҳасидаги васкуляризацияни баҳолаш учун кон томирлари эндотелиоцитлари учун хос бўлган CD31 маркери ёрдамида кон томирларини иммуногистокимёвий аниқлаш амалга оширилди. Стандарт иммуногистокимёвий усули билан гистологик кесмалар CD31 га бирламчи антитана ёрдамида бўялди. Иммунопозитив тузилмаларни визуализация қилиш жигарранг реакция сифатида намоён бўлди. Шу билан бирга Майернинг гематоксилини билан кўшимча контрастли бўяш амалга оширилди.

Диссертациянинг учинчи бобида **«Ясси бош суякларининг дефектига**


ген фаоллаштирилган гел материалларини ортотопик имплантация қилишда репаратив гистогенез» мавзуси ўрганилган. Тадқиқотда турли хил гелларнинг бош суяги дефектларида суяк тўқимасининг регенерациясини стимуллашдаги самарадорлиги ўрганилган. Улар қуйидаги учта компонентни ўз ичига олган: октакальций фосфат (ОКФ) микрогранулалари, VEGF-A165 (қон томир эндотелиал ўсиш омили гени) бўлган плазмид ДНКси ва гидрогеллардан бири (натрий альгинат, I тип коллаген ёки гиалурон кислотаси). Ген конструкцияларининг молекулалари нафақат гидрогелда, балки ОКФ микрогранулалари юзасида ҳам мавжудлиги аниқланди. Қуённинг тепа суякларидаги критик суяк дефекти моделида барча ген фаоллаштирилган гидрогел вариантлари суяк тўқимасининг регенерациясига ёрдам бергани аниқланган, аммо маълум гел турларидан фойдаланилганда энг катта ҳажмдаги суяк регенерати аниқланган (1-расм). Гистоморфологик таҳлил гистологик методлар ёрдамида ўтказилиб, унинг ёрдамида бош суякларидаги дефектлар таркибидаги тўқималар таҳлил қилинди. Ушбу таҳлил натижасида зич толали бириктирувчи ва суяк тўқимаси каби тўқима турлари аниқланди ва бу регенерация жараёнини тушунишга имкон берди.

Суяк тўқимасининг ҳажми янги ҳосил бўлган суяк ва бириктирувчи тўқима ҳажмини ўлчаш орқали аниқланди. Тадқиқот давомида ген фаоллаштирилган гидрогеллар орасида суяк тўқимасининг регенерация ҳажмидаги фарқлар аниқланди (2-расм). Микрогранулаларни ўраб турган фиброз тўқиманинг қон томир билан таъминланиши баҳолаш амалга оширилди ва регенерацияни тасдиқловчи юқори даражадаги васкуляризация аниқланди. Суяк тўқимасининг регенерациясини стимуллашдаги ген фаоллаштирилган гидрогелларнинг самарадорлигини баҳолаш учун қиёсий таҳлил ўтказилди.





1-расм. Экспериментнинг 90 кунда тепа суяги дефектида ҳосил бўлган регенерат таркибидаги суяк тўқимаси улуши: А – чекка қисмида; Б – регенератнинг марказий қисмида.




2-расм. Тажрибанинг 90-куни. Дефектнинг чекка зонасидаги суяк регенерати тузилмаси: пластинкасимон суяк тўқимаси трабекулалари (1) билан бой васкуляризацияланган (*) бириктирувчи тўқима трабекулалар орасида (2); ОКФ фрагментлари (3); гиалурон кислота асосидаги фуксинофил гел қолдиқлари (4). Гематоксилин ва эозин (А); Маллори бўйича трихром (Б). Катталаштириш $\times 100$.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «Ген фаоллаштирилган материалларни гел ташувчида сон суягининг ғовак моддасидаги дефектга ортотопик имплантациялашда репаратив гистогенез» мавзусига бағишланган бўлиб, морфометрик баҳолаш олинган натижаларни

объективлаштириш мақсадида амалга оширилган. Гистоморфометрик параметрлар ҳисоблаб чиқилган бўлиб, улар эпифиз дефектидаги ҳар хил тўқимали регенератнинг тўқима нисбатини ва ОКФ гранулаларининг ҳолатини акс эттиради (3-расм).


Ҳар бир ҳайвонда сон суягининг медиал дўнгсимон ўсимта юзаларида тўлиқ қатламли дефектлар ҳосил қилинган (диаметри 3 мм, чуқурлиги 4 мм, субхондрал суякгача). Ўнг томондаги дефектлар ген-фаоллаштирилган гидрогеллар билан (тажриба томони), чап томондаги дефектлар эса мос равишда терапевтик плазмид ДНКсиз (назорат томони) гидрогелли матрикс билан тўлдирилди. Ҳайвонлар натрий альгинат, гиалурон кислота ва коллаген гидрогеллари асосида 3 та асосий гуруҳга бўлинди. Ҳайвонлар 30, 60 ва 90 кунларда экспериментдан чиқарилди ва натижалар гистологик методлар ёрдамида баҳоланди.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, барча материаллар яхши биомосланувчанлик ва биодеградация хусусиятларига эга бўлиб, яллиғланиш белгилари аниқланмади ва материал ҳажми кузатув муддати ортиши билан аста-секин камайди. Остеоиндуктив ва остеокондуктив хусусиятлар энг кўп ген фаоллаштирилган материаллар қўлланилган гуруҳларда намоён бўлди. Шуни таъкидлаш жоизки, бўғим тоғайидаги дефект ҳар бир гуруҳда фиброз тоғайли тўқима ҳисобига тикланди (4,5-расмлар).



3-расм. 90 кундан сўнг операция қилинган қуён сон суяги дефекти зонасида суяк тўқимаси улуши (%).

Гиалурон кислота асосидаги гидрогелни ўз ичига олган ген-фаоллаштирилган материал тоғай ва суяк тўқималарини қайта тиклаш учун энг самарали деб топилди. Шу билан бирга, энг катта ҳажмдаги тоғай ва суяк тўқималар альгинатли гидрогел қўлланилганда кузатилди. Коллаген гидрогели эса энг катта суяк илиги ва фиброз тўқима ҳосил бўлишига ёрдам берди (3-расм).




4-расм. 60-кун. Дефектнинг марказий зонасидаги регенерат тузилмаси: ОКФ фрагментлари (1) ва коллаген гидрогел қолдиқлари (2) фиброз тўқима (3) ва толали тоғай тўқима (4) билан ўралган бўлиб, улар аралаш тузилишга эга субхондрал суякка (5) ўтади. Гематоксилин ва эозин. Катталаштириш $\times 100$.



5-расм. 90-кун. Дефектнинг марказий зонасидаги суяк регенерати тузилмаси: пластинкасимон (1) ва ретикулофиброз (2) суяк тўқимаси трабекулалари сийрак толали бириктирувчи тўқима билан (3) ва трабекулалар орасидаги бўшлиқларда грануляцияланган ОКФ (4) фрагментлари. Гематоксилин ва эозин. Катталаштириш $\times 100$.

Иммуногистохимик тадқиқотлар суяк регенерацияси соҳасида қон томирлар ролининг остеогенезда муҳимлиги тўғрисидаги хулосаларни тасдиқлади. Ангиогенез остеогенезнинг асосий ва муҳим компоненти

бўлиб, айниқса, регенерациянинг бошланғич босқичларида қон томирларнинг ўсиши остеогенез ҳужайраларининг пролиферацияси ва ихтисослашувини таъминлайди. Сўнгги босқичларда баъзи янгидан шаклланган қон томирлар резорбцияга учрайди. Тадқиқотларда артериолалар, капиллярлар ва веналарнинг, шунингдек, CD31+ ҳужайраларининг регенерация зоналарида мавжудлиги аниқланди. Ангиогенез орқали фаоллашган муҳит, эндотелиоцитларнинг миграциясини ва уларнинг суяк регенерацияси жараёнида интеграциясини рағбатлантиради (6-расм).



6-расм. 60-кун. Ген фаоллаштирилган альгинатли гел гуруҳидаги тўқима регенерати таркибидаги CD31+ тузилмалар (қон томирларининг эндотелий ҳужайралари). * – янги ҳосил бўлган суяк трабекулалари; 1 – ОКФ гранулаларининг қолдиқлари; 2 – гранула юзасидаги остеоид. Реакция моддаси жигарранг рангда. Майер гематоксилини билан кўшимча бўялган.

Шундай қилиб, ангиогенезни бошқариш остерегенерация жараёнларини кучайтиришда самарали усул бўлиб хизмат қилиши мумкин. CD31+ ҳужайраларининг аниқланиши эндотелиал элементларнинг юқори фаоллигини кўрсатади, улар васкуляр тизим шаклланишида иштирок этади. Ангиогенетик механизмларга йўналтирилган таъсир, жумладан, проангиоген омиллар билан ген-фаоллаштирилган геллардан фойдаланиш, турли генезли суяк нуқсонларини даволашда терапевтик ёндашувларни оптималлаштириш учун кенг имкониятларни очиб беради.

ХУЛОСА

1. Остеогенез тепа суяги дефектлари соҳасида тўлиқсизлиги билан тавсифланади; VEGF165 генини ташувчи плазмид конструкциясининг қўлланилиши регенерацион остеогистогенез динамикасига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади. 30 ва 60 суткада регенератнинг марказий қисмида суяк тўқимаси сезиларли равишда кўпайгани аниқланган, бу кўрсаткичлар альгинат ва коллаген ташувчилар учун мос равишда ($p=0,014$, $p=0,012$; $p=0,015$ ва $p=0,032$) га тенг. 90 суткалик кузатув муддати ушбу моделда эндоген гистогенетик жараёнларнинг ривожланиши туфайли индукцион таъсирни пасайтириши сабабли етарлича информатив бўлмади.

2. VEGF165 генини ташувчи плазмид конструкциясининг қўлланилиши қон томирларининг шаклланишига ва регенерацион остеогистогенез зонасига эндотелиал прогенитор ҳужайраларининг миграциясига ёрдам беради, бу эса иммуногистокимёвий тадқиқот (CD31) ёрдамида аниқланди.

3. Суяк тўқимаси регенерацияси асосан бевосита остеогенез орқали, яъни тоғай тўқималарнинг провизор жойлари ҳосил бўлмасдан, ретикулофиброз суяк тўқимаси трабекулаларининг бевосита шаклланиши билан кечди. 60-суткада гуруҳлар ўртасидаги фарқларга қарамай, тажриба охирига келиб тоғай тўқиманинг улуши сезиларли динамикасиз қолди.

4. Остеогенез узун найсимон суякларнинг эпифиз дефекти соҳасида, бош суяк қопқоғи суякларида, VEGF165 гени билан плазмид конструкциясини қўллашда альгинатли гел ташувчиси ёрдамида суяк тўқимаси улушининг эрта босқичда статистик жиҳатдан сезиларли ошиши билан тавсифланади ($p=0,000032$). 60 суткада барча учта гел материаллар назорат гуруҳига нисбатан ўхшаш статистик жиҳатдан сезиларли самарадорлик кўрсатди. Тажриба охирига келиб, гуруҳлар ўртасидаги фарқлар йўқ бўлди.

5. Олинган гистологик, гистокимёвий ва морфометрик маълумотларга асосланиб, учала гел ташувчи материал ҳам VEGF165 генетик плазмид конструкциясини етказиш учун мос эканлиги аниқланди ва унинг қўшилиши регенерация динамикасига сезиларли таъсир кўрсатади. Экспериментал шароитларда 30 ва 60 кун давомида суяк тўқимасининг ўсиши бўйича энг яхши натижаларни альгинат гел кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

КУРБОНОВ ХУРШЕД РАХМАТУЛЛОЕВИЧ

**ОСОБЕННОСТИ РЕПАРАТИВНОЙ РЕГЕНЕРАЦИИ КОСТНОЙ
ТКАНИ В УСЛОВИЯХ ГЕННОЙ ИНДУКЦИИ АНГИОГЕНЕЗА
(В ГЕЛЕВОМ МАТЕРИАЛЕ-НОСИТЕЛЕ)**

14.00.02 – Морфология

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации
доктора философии (PhD) по медицинским наукам**

Бухара – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2022.2.PhD/Tib2630.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета.

Научные руководители:

Орипов Фирдавс Суръатович
доктор медицинских наук, профессор

Деев Роман Вадимович
кандидат медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Расулов Хамидулла Абдуллаевич
доктор медицинских наук, профессор

Курбанов Обид Махсудович
доктор медицинских наук, доцент

Ведущее учреждение:

Международный казахско-турецкий университет имени Ходжи Ахмеда Ясави

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2025 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/29.02. 2024.Tib.93.01 по присуждению ученых степеней при Бухарском государственном медицинском институте имени Абу Али ибн Сина (Адрес: 200118, г.Бухара, ул. Гиждуванская, 23, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: info@bsmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института имени Абу Али ибн Сина (зарегистрирована за №_____). (Адрес: 200118, г.Бухара, ул. Гиждуванская, 23, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: info@bsmi.uz).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2025 года.
(реестр протокола рассылки №_____ от «_____» _____ 2025года).

Ш.Ж. Тешаев

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, профессор

Н.К. Дустова

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук (DSc)

А.Р. Облокулов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом масштабе современные медицинские и биомедицинские науки активно работают над совершенствованием методов регенерации костной ткани, что важно для лечения переломов, травм и других патологий. Несмотря на прогресс, традиционные методы не всегда эффективны, и требуются новые подходы. Переломы черепа и конечностей демонстрирует значительные различия в зависимости от возраста, пола и региона. Основными причинами переломов черепа являются дорожно-транспортные происшествия, особенно в странах с низким доходом, а переломы конечностей чаще встречаются у молодых мужчин из-за травм и у пожилых женщин в связи с остеопорозом. Пожилые люди, особенно старше 95 лет, имеют самые высокие показатели заболеваемости, что требует усиления профилактических мер на глобальном уровне.¹

Особенности репаративной регенерации костной ткани в условиях генной индукции ангиогенеза в гелевом материале-носителе приобретают всё большее значение, поскольку в мире активно развиваются технологии тканевой инженерии и направленной остеорегенерации. Генная индукция ангиогенеза оказывает положительное влияние на процессы костеобразования и формирование сосудистой сети, что ускоряет заживление и способствует полноценной регенерации. Результаты демонстрируют, что применение генной терапии с использованием гидрогелей-носителей может значительно повысить эффективность восстановления сложных дефектов кости. Государственные инициативы по поддержке таких исследований способствуют развитию новых методов лечения, что отражается на улучшении здоровья населения. В результате этих усилий, достигнуты важные успехи в сокращении времени восстановления после травм и хирургических вмешательств, что существенно повышает качество жизни пациентов и способствует общему улучшению здравоохранения в стране.

В нашей стране уделяется особое внимание лечению и профилактике заболеваний и травм костной ткани. В этой связи, в 4 части 56-й цели семи приоритетов, изложенных в новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы определены задачи по «...реализации комплексных мер, направленных на реализацию в 2022-2023 годах программы развития системы здравоохранения, охраны здоровья населения и повышения потенциала медицинских работников...».² В связи с этим восстановление костной ткани после травм и хирургических вмешательств требует совершенствования подходов к костной регенерации.

¹Wu A. M. et al. Global, regional, and national burden of bone fractures in 204 countries and territories, 1990–2019: a systematic analysis from the Global Burden of Disease Study 2019 //The Lancet Healthy Longevity. – 2021. – Т. 2. – №. 9. – С. e580-e592.

²Указ Президента Республики Узбекистан № 60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

Диссертационное исследование основано на Постановлении Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года УП № 60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» и от 12 ноября 2020 года № УП-6110 «О мерах по внедрению совершенно новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых реформ. проводимых в системе здравоохранения» и № УП-4891 от 12 ноября 2020 г. «О дополнительных мерах по обеспечению здоровья населения путем дальнейшего повышения эффективности профилактических работ» и другие нормативные правовые документы, связанные с данной деятельностью, поданные в определенный объем для выполнения поставленных задач.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Имеется разнообразие вариантов скаффолдов и материалов для доставки клеток и молекул в регенеративной медицине. Они могут включать трехмерные структуры, нано- и микроволоконистые матрицы, микро- и наносферы, изготовленные из различных материалов, включая металлы, костный матрикс, фосфаты кальция, биоактивные стекла, натуральные и синтетические полимеры, кремний и углеродные материалы (Tajvar S. et al. 2023).

Скаффолды также могут быть классифицированы по размерам пор на макро-, субмикро-, микро- и нанопористые. Существует разногласие в классификации, но чаще всего они делятся на макропористые (больше 100 мкм), микропористые (1-100 мкм), субмикропористые (0,1-1 мкм) и нанопористые (менее 100 нм) (Prakoso A. T. et al. 2023). Некоторые материалы обладают «интеллектуальными» свойствами, способными реагировать на изменения в окружающей среде, такие как температура, ионная сила раствора и другие факторы (Pfau M. R., 2021).

Существует несколько методов для создания скаффолдов, включая современные аддитивные технологии, но загрузка биологически активных веществ в материалы скаффолдов на этапе их изготовления может быть ограничена воздействием химических растворителей и высоких температур на биомолекулы (Юрова К. А., 2022). В современной медицине, где регенеративная медицина становится ключевым направлением, вопросы восстановления и регенерации костной ткани остаются приоритетными. Поиск эффективных методов лечения травм, дефектов и заболеваний, связанных с нарушением целостности костной ткани, находит свое отражение в исследованиях, посвященных генной индукции ангиогенеза, особенно с учетом фактора роста эндотелия сосудов (VEGF) (Пресняков Е. В. и др. 2019). Одним из перспективных направлений в этой области является изучение репаративной регенерации с использованием генной индукции, особенно с акцентом на фактор роста эндотелия сосудов (VEGF), который является

основным актором регуляции ангиогенеза – формировании новых сосудов из предсуществовавших (Щаницын И. Н. и др. 2019). В последние десятилетия, благодаря значительному прогрессу в области молекулярной биологии и генной терапии, открылись новые перспективы для исследования регенерации костной ткани с использованием генной индукции. Несмотря на высокий интерес к теме генной индукции в Узбекистане, особенно в контексте фактора роста эндотелия сосудов (VEGF) (Аляви А. Л. и др. 2020; Халимова З., 2021; Дустова Н. и др. 2021), полное понимание воздействия этого процесса на ангиогенез и регенерацию костной ткани до сих пор остается недостаточным. Развитие эффективных стратегий лечения, основанных на генной индукции, требует дальнейших научных усилий и точного понимания взаимосвязей между геном и процессами регенерации костной ткани.

